

Ўн икки ёшида ҳофиз Қуръон бўлган Носиржон қори



14:00 / 26.03.2022 1898

Носиржон қори домла роҳимаҳуллоҳ 1906 йил Наманган шаҳри, Сардоба даҳаси, Қўқон кўчасида, Юсуфжон қори хонадонларида таваллуд топди.

Отаси Юсуфжон қори ва бобоси Обиджон маҳдумлар замонасининг машҳур аҳли илм ва ҳофиз Қуръонлари бўлишган.

Қиблагоҳи Юсуфжон ота (ваф.1947) волидаи меҳрибони Савринисо ойим (ваф.1918) фарзандлари Носиржонни ҳофиз Қуръонлар сулоласининг давомчиси бўлишини жуда ҳам хоҳлаб, унинг тарбияси ва таҳсилани қаттиқ назоратга оладилар. Натижада Носиржон ўткир зеҳнли, илм-фаросатли ва гўзал хулқли бола бўлиб улғайди. Носиржон дастлабки арабий-туркий хат саводини отасида чиқаради. Сўнгра ўша даврнинг машҳур мударриси ва Қуръон ҳофиз АбдулҒофур (1872-1949) маҳдумнинг қорихоналарида Қуръондан сабоқ олиб 12 ёшида ҳофиз Қуръон бўлиб етишади. Кейинчалик мулла Абдусамад (1888-1972) қори домладан дарс олиб, илм таҳсилани давом эттиради. Абдусамад қори домла шогирди Носиржон қоридаги илмга бўлган иштиёқни кўриб, уни ёқтириб қолади ва бўйига етган қизи Марзияхон пошшани унга турмушга беради. Бу ришта туфайли Носиржон қори илмда ва тақвода илдамлайди.

Носиржон қори ўспиринлик чоғларида ўта ҳаёли ва уятчан бўлганларидан хатми Қуръонга ўтганларида юзлари қизариб кетар экан. Шу боис бўлса керак, маҳалладагилар қизил қори хатмонага ўтар эканлар, деб ҳазиллашар эканлар.

Мустабид тузум даврида диний илм олиш ва сабоқ бериш мушкул бўлган дамларда ҳам Носиржон қори илм олишдан ва зиё тарқатишдан тўхтамади. У маҳалласидаги қўни-қўшни ва қариндош уруғлари, тенгқурларига ҳафтада бир кун Қуръондан, бир кун эса «Мухтасар ул-виқоя»дан сабоқ берарди. Бўш пайтларида эса устозларидан илмни давом эттиришга ошиқарди.

Шўролар тузуми аҳли илмларнинг моли жонига тажовуз қилгани маълум. Худди шу қатори шўролар Носиржон қорининг мол-мулкига тажовуз қилиб, бир кечада бор-йўғини шилиб кетади. Натижада, ҳеч нарчасиз қолган Носиржон қори оғир кунларни бошидан кечиради. Қийинчилик пайтларида ҳам Аллоҳнинг синовларига шукр қилиб, илм олишда давом этди.

Ҳабибуллоҳ ака отаси ҳақларида шундай эслайдилар: «Отам раҳматли Қуръон ва суннатга мувофиқ яшашни тарғиб қилардилар. У кишининг кунлик одатлари Қуръондан 3 ёки 5 порани такрор қилиб, сўнгра ухлагани ётардилар. Рамазон ойининг биринчи куниданоқ халқимизнинг хонадонларида ками 3 кунлик, кўпи 7 кунлик хатми Қуръонларда ўзлари имом бўлиб, таровеҳ намозининг хатмоналарига ўтиб берардилар».

Носиржон қори 1977 йили оламдан ўтдилар. У киши шаҳарнинг катта қабристонини «Мангулик» мазорига дафн қилинади. Ҳозирги кунда қори домланинг набира ва абиралари ҳофизи Қуръонлар сулоласининг давомчилари сифатида муборак Рамазон ойида масжидлар ва хонадонларда хатми Қуръонларда бардавом бўлиб келмоқдалар.

Қори домланинг оилалари ва фарзандлари тўғрисида маълумот бериб ўтмоқчимиз. Носиржон қорининг аввалги аёллари вафот этганлар. Аввалги аёли Марзияхон ойим мулла Абдусаммад қори қизлари бўлиб (1910-1957), улардан бир нафар қиз фарзандлари бор.

Кейинги аёллари Маъсудахон ойим бўлиб (1926), Қодирхон эшон қизларидир. Улардан бир ўғил ва бир қиз фарзандлари бор.

Фарзандлари Саидахон (1926-2008), Ҳабибуллоҳ (1961) ва Нафисахон (1964)лар[1].

—
[1] Ушбу маълумотлар Носиржон қори авлодларининг шахсий архивидан олинди.

-

-

-